



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
11 ноябрь
ЧОРШАНБА
№ 90
(12.206)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ХОЛИСЛИК МАСЪУЛИЯТИ

27
декабрь –
сайловлар кун

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар ўтказиладиган кун тобора яқинлашиб келмоқда.

Шу кунларда сиёсий партиялар номзодларни олиш учун вилоят сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатларни тақдим этиш ҳаракатида. Шу муносабат билан "Тошкент ҳақиқати" муҳбири вилоят сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Раҳимжон Рихсиевга сайловларга тайёргарликнинг боришига доир бир қанча саволлар билан мурожаат қилди.

— Раҳимжон Мирқоди-рович, бу йилги сайловларни ташкил этиш ва ўтказишдаги энг муҳим сиёсий тамойиллар ҳақида гапириб берсангиз.
— Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар бугун амалда бўлган мукамал сайлов қонунчилигининг шакллантирилишига олиб келди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббус ва саяё-ҳаракатлари билан у бугун жаҳон андозлари даражасига кўтарилди. Эндиликда сайловларни очик, ошқора ўтказиш, бу жараёнда барча сиёсий қучларнинг тенглигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. У жамиятда кўптартибвийлик тизимини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бўлажак сайловлар халқ ҳокимиятичилиги, демократияни мустақамлаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фикр эркинлиги, ижобий тортишлар асосида бутун маънавий-сиёсий турмушимиз тамойилларини янгилашда

(Давоми 2-бетда).

БЕШИНЧИ КЎРГАЗМА

Кеча Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ"да "Курилиш. Курилиш техникаси. Курилиш материаллари — ExpoConstruction 2008" 5-халқаро кўргазмаси иш бошлади. Тadbир тошкентликчи — ЗагЕхро кўргазма компанияси ҳисобланади. Уни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси архитектура ва курилиш давлат қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Архитекторлар уюмаси ҳамда Савдо-саноат палатаси расмий кўмак бермоқда.

Кўргазмага ташриф буюрувчилар эътиборига Ўзбекистон, Германия, Россия, Қирғизистон, Италия, Испания, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа давлатлардаги 50 дан ортиқ таниқли компанияларнинг брэндлари, махсулотлари ва дистрибуторларнинг стандартлари намойиш этилмоқда. Шунинг таъкидлаш жоизки, экспозициянинг 85 фоиз иштирокчилари — "ExpoConstruction" кўргазмасининг доимий қатнашчиларидир. Кўргазма мавзу доираси бўйича бир неча бўлимга ажратилган. Очик майдонда энг янги русумдаги йўл-курилиш техникалари ва ускуналарининг намойиши ҳам ўтказилмоқда.

— Кўргазма давомида курилиш саноатида фаолият юритувчи корхоналар ўзини намойиш этибгина қолмай, рақобатчи корхоналарга баҳо беришлари ҳам мумкин, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раҳбари А. Шайхов. — Кўргазма олдингилари каби савдо-иқтисодий алоқаларнинг мустақамлашиши ва ривожланишига, Ўзбекистоннинг курилиш саноатига янги технология ҳамда инвестицияларнинг кириб келишига ўз ҳиссасини қўшади.

Хуррият МҲМИНОВА.

Тошкент сигнализация ва алоқа линия дистанцияси темир йўллари электрлаштириш дастури доирасида "Охангарон" имн-станциясини янгиласи ишларини ниҳоясига етказмоқда.

БЕКАТЛАРДА СИГНАЛИЗАЦИЯ

"Охангарон" темир йўл бекатини марказлаштириш жараёнида янги мосламалар ўрнатилди. Бу эса электр тармоғини компьютерлаштириш имконини берди. Корхона мутахассислари Охангарон-Ақча, Охангарон-Оздодлик бекатларидан электр контакт тармоқларини тўлиқ ишга тушириш мақсадида қатор янги мосламалардан унумли фойдаландилар.

Ақбар АЛИЕВ.



«ХИЁБОН»ГА БИР КЕЛИНГ

"Юрт юкини мард кўтарар", деган гап бежиз айтилмаган. Кимки, ўзанинг мушкуллини осон, оғирини енгил қилса, элу юртининг раҳмат ва олқишига сазовор бўлади. Ободлигу фаровонлик ҳам шундайларнинг шарофатидандир. Вилоятимиз аҳолиси ҳам шундай хайрли ишларда фаол иштирок этиб, унинг самарасидан баҳраманд бўлиб келмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида, айниқса, қўлга эзгу ниятларнинг рўйбга чиқаётганлиги кундан-кунга чирой очиб бораётган қишлоқларимиз тимсолида намён бўлаётди.

Тошкент туманининг Масалбой қишлоғида номи ўзига ярашган "Хиёбон" маҳалласи бор. 3165 киши умргузаронлик қилаётган бу маскан ҳақиқатан ҳам тоза, озода. Меҳнатчан, аҳил-оқоқ маҳалла ахли оқсоқол Абдусаттор Халилов билан ҳамжихатликда кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқда. 6-, 7-, 8-умумтаълим мактабларида ташкил этилган турли тўғарак-

лар фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

Таълим-тарбиянинг аввали оиладан бошланса, унинг асоси мактабда туп қўйиб, палак ёзади. Ўғаларга меҳр-оқибат қўрсатишни, муҳтожларга ёрдам беришни ўрганган бола-қайлардан келгусида эл-юрт фидойилари етишиб чиқиси мумкин.

Аслида ҳам тарбия аввало шахсий ибратга боғлиқ. Катталарнинг ўзаро меҳр-оқибати ёшларга ибрат. Яқинда Муҳиддиновлар оиласи фарзанди Орқибойнинг никоҳ тўйи маҳал-ладошлар ҳамкорлигида чиройли қилиб ўтказиб берилди. Аҳолига тарқатилган

2,5 млн. сўмлик АКФА ромлари эса хонадонлар кўркига кўрк қўшиши аниқ. Оқсоқолнинг шахсий жамғармаси ҳисобига таъмирланган электр узатгич энди уйланинг чиройи мунтазам ёниб туришини таъминлайди. Яқиндагина таъмирдан чиққан 2,5 километрлик газ қувурлари аҳолининг қишқировли кунларни хотир-жам ўтказишига кафолат.

Хиёбонликларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам ижобий ҳал этилмоқда. Бу йил 22 талабгор иш ўринларига эга бўлди. Улардан Шухрат Ганиев, Незмат Ҳабибуллаев "Оникс" корхонасига ишга жойлаштириди. Шунингдек, тadbиркор Рихсиев Макидов аҳолини шартнома асосида пойабзал тикишга жалб этмоқда.

— Ҳаёт давом этар экан, курилиш, янгиланиш ҳам тўхтамайди, — дейди Абдусаттор Халилов. — Маҳалладаги Қосим Одилов кучасида 32 та 40 йиллик сим-

ёғоч бор. Уларни мутасадди ташкилотлар ёрдамида янгиллаб олсак, ичимлик суви қувурларини ҳам янгисига алмаштирсак, баъзи кўчаларга сув қувурлари тортилиб, асфальт ётқизилса, дейман. Албатта, бу ишнинг кўзини билладиган тadbиркорларсиз битмайди. Бу ишларга беминнат бош қўшаётган ҳомийларимиз Улугбек Салоҳиддинов, Мухтор Тўхтаниёзов, Абдували Мирҳалилов, Жўрабой Маҳаматовнинг беғариз ёрдамларини алоҳида таъкидламоқчиман.

СУРАТЛА: "Хиёбон" маҳалласи раиси Абдусаттор Халимов посбон Обид Мажидов, маслаҳатчи Ақилда Ҳамдамова, котиба Лола Жабборова билан келгуси режалар хусусида сўхбатлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МАҚСАД ЭЗГУ — НАТИЖА ХАЙРЛИ

Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити ва манфаатларини таъминлаш, саломатлиги муҳофазасини яхшилаш, тиббий маданият ва таълим-тарбия савиясини ошириш Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилидаги саяё-ҳаракатларнинг асосий йўналишларига айланди. Бу жараёнда касаба ташкилотлари фаол иштирок этаётди.

— Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили дастури-ни амалга оширишда тармоқ ва ҳудудий касаба идоралари фаоллик қўрсатмоқда, — деди "Тошкент ҳақиқати" муҳбирига Ўзбекистон касаба уюмлари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири Эътиборхон Раҳмонова. — Ёқили-энергетика мажмуи, кимё саноати ва геология, соғлиқни сақлаш, давлат муассасалари ва жамоат хизмати, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюмлари вилоят ташкилотлари бу борада алоҳида ташаббус қўрсатаётди. Олим, сиёсатчи, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намояндлари билан учрашувлар, маънавий-маърифий кечалар, давра суҳбатлари иш-тироқчиларда ўзгача қизиқиш уйғотиб, уларнинг онгига миллатлараро ҳамжиҳатлик, она-Ватанимиз учун ифтихор туйғуларини сингдиришга хизмат қилмоқда.

— Ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларни ҳимоялашга касаба ташкилотлари қандай ҳисса қўшмоқдалар?
— Маълумки, касаба уюмлари иш бериувчилар билан ижтимоий шерикчилик асосида бу масалалар билан бевосита шуғулланишмоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабатини билан бу саяё-ҳаракатларнинг қўлими янада кенгайди. Утган мuddат мобайнида фақат корхона ва ташкилотларда жамоа келишувлари ёки шартномалари орқали қишлоқларда яшовчи 3714 нафар кам таъминланган оилаларга 379 та корхона қишлоқдан 96,4 миллион, касаба ташкилотлари маблағи қишлоқдан 12,8 миллион сўмлик моддий ёрдам қўрсатилди. Икки корхонада 51 ходимга узок мuddат фойдаланиладиган рўзгор жиҳозлари сотиб олиш ёки уй-йўл қуриш учун 68,2 миллион сўм фозисиз қарз берилди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ишловчи аёллар фойдаланиладиган имтиёзлар кенгайтирилди. Эндиликда 85 та корхонада меҳнат қилаётган 136 нафар аёл туғишга ва туғишдан кейин ҳақ тўланадиган қўшимча таътил кунларидан фойдаланади. Иш бериувчилар жамоа шартномаларининг шу имтиёзлар қўзда тутилган бандини бажариш учун бу йил 7,8 миллион сўм қўшимча маблағ сарфламоқдалар. 152 та корхонада эса, 392 она фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар 11,1 миллион сўмлик моддий ёрдам олди.

— Жамоа шартномаларида ёш меҳнатчилар учун қандай имтиёзлар қўзда тутилмоқда?
— Ишлаб туриб олий таълим олиш истагидидаги ёшлар ҳар жиҳатдан рағбатлантири-лаётди. Чунончи, қишлоқ жойлардан келиб, олий ўқув юртларида билим олаётган 126 йигит-қиз шартнома пулининг салмоқли қисмини корхоналар тўлаётди. 18 та корхона жамоа шартномасида бу имтиёз қўйилган. Улар бу мақсадлар учун ҳозиргача 98,7 миллион сўм маблағ сарф-лади.

— Ёки бошқа бир жиҳатни олиб кўрайлик. Бугун 44 та корхонада иш бериувчилар билан касаба қўмиталари ўртасида имзоланган жамоа шартномалардан кам таъминланган оилаларнинг ўқит-ган фарзандларини дарс-ликлар ва бошқа ўқув қурол-лари билан қисман таъмин-лашни назарда тутди. Янги ўқув йили арафасида 450 та оила фарзандларининг шун-дай таъминоти учун корхоналар 8,5 миллион сўм сарф-лади. Касаба ташкилотлари вилоят бирлашмаси, савдо, матлубот кооперацияси хо-димлари ва тadbиркорлар, таълим ва фан ходимлари касаба уюмлари вилоят кенгашлари, ёқили-энерге-тика мажмуи, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюмлари вилоят вакил-лиги олий ўқув юртларида тахсил олаётган ёрдамга муҳтож оқитдорли талаба-ларга стипендия тайинлади. Шу мақсад учун касаба таш-килотлари маблағидан деяр-ли 3 миллион сўм ажратил-ди.

(Давоми 3-бетда).

Анжуман

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ У НИМАЛАРДА НАМОЁН БЎЛАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда вилоят адлия бошқармаси ҳамкорлигида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажақдаги режалар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тadbир Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, уларнинг мазмун-маъносини оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигида аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, камчиликларни бартараф этиш ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадида уюштирилди. Анжуманда Адлия вазирлиги ахборот хизмати, вилоят ҳуқуқий муҳофазаси қилувчи органлар вакиллари, вилоят адлия бошқармаси фукаролик ҳолатларига далолатномалар ёзиш бўлим-

лари, нотариат, адвокату-ра, диний идоралар вакиллари, хотин-қизлар қўмиталари, маҳалалар фаоллари, ёш ҳуқуқшу-нос талабалар ва омма-вий ахборот воситалари ходимлари иштирок этаётди.

Сўзга чиққанлар фукароларнинг ҳуқуқий онги-ни, ҳуқуқий саводхонлиги-ни оширишга мўлжаллан-ган бир қатор қонун ҳуж-жатлари қабул қилинган-лиги, навбатдаги асосий вазифалардан бири ҳар бир инсон ўз ҳуқуқларини аниқ-равшан билиши, улардан фойдалана оли-

шига эришишдан иборат эканлигини таъкидлади-лар.

Йил бошидан ўтказиб келинаётган ҳуқуқий тарғибот тadbирлари, семи-нар, илмий-амалий кон-ференция, давра суҳбат-лари аҳоли ҳуқуқий мада-ниятини оширишда му-ҳим омил бўлмоқда. Ай-ниқса, ёшларнинг бундай тadbирларда фаол ишти-рок этаётганлиги қув-онарли.

— Талабаларнинг бугун-ги фаоллиги умидли ёшларимизнинг келажаги, Ва-тан равнақида катта ишон-гудиради, — дейди Ўзе-бекистон Республикасининг Ад-лия вазирлигининг ахбо-рот хизмати раҳбари Тўра-бек Тўраев. — Ҳуқуқий ма-даниятни юксалтириш, ҳуқуқий саводхонлики

оширишда ёшлар билан ҳали жиҳдий ишлаш, аҳоли орасига қўқур кириб бориш керак. Бу борада оммавий ахборот восита-лари билан ҳамкорлигини кучайтириш лозим.

Тadbир давомида адлия органлари ва муассасала-ри билан оммавий ахбо-рот воситалари ўртасида-ги алоқаларни янада му-стақамлаш, матбуот, теле-видение ва радио матери-алларининг сифат ва ма-змундорлигини яхшилаш ҳақида аниқ тақлифлар билдирилди.

Матбуот анжуманида вилоят ҳокими ўринбоса-ри, хотин-қизлар қўмита-си раиси Сайёра Файзи-ева иштирок этди.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Долзарб мавзу

ИШДА ИЗЧИЛЛИК БЎЛГАНИ ЯХШИ

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бугунги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бунда юридик ва жисмоний шахсларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш қўнимасини шаклланти-риш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва амалдаги қонун ҳуж-жатларини босқимча-босқич туркумлашни ташкил этиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қонун ҳужжатларини тур-кумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тар-қатишни тартибга солиш чора-тadbирлари тўғрисида" ги қарори асосида кейинги йилларда бир қатор ишлар амалга оширилди. "Норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғри-сида" ги Қонун бу борадаги саяё-ҳаракатларга ҳуқуқий асос яратди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунла-ри, Олий Мажлис қарорла-ри, Президент фармонла-ри, давлат қўмиталари ва идора-ларининг ҳужжатлари, маҳал-лий давлат ҳокимияти орган-ларининг қарорлари норма-

тив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади ва улар Ўзе-бекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил этади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат-ларнинг ишлаб чиқилган лойиҳалари ҳуқуқий экспе-ртизадан ўтказилиши шарт. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив ҳу-сусиятга эга бўлган қарорла-ри лойиҳаларининг юридик экспертизаси вилоят адлия бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат-нинг матни лўнда, оддий ва ра-вон тилда баён этилиб, фойдаланиладиган тушунча-лар ва атамалар уларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари-да қабул қилинган мазмуни-

га мувофиқ, турлича шарҳ-лаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда қўлланилади. Эскирган ҳамда қўп маънони англата-диган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлла-нилишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат-лар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Расман эълон қилинмаган қонун асо-сида ҳеч қим судланиши, жазага тортилиши ёки мол-мулкдан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг қонунла-ри ва Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси палата-ларининг қарорлари, шун-ингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар ҳужжатлар-нинг ўзида бошқа мuddат қўрсатилган бўлмаса, рас-ман эълон қилингандан сўнг ўн кундан кейин қўчга киради.

(Давоми 3-бетда).

